Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 19 август пайшанба

Сотувда эркин нархда № 163 (2201)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## *Бугун Тошкентда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини бошлайди*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

18 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, Парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари ва Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар иштирокида Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Мажлисда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ишларига якун ясалди. Парламентнинг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари А. Қосимовнинг қонун лойиҳалари, сессия бошқа материалларининг кўриб чиқиш учун тайёр эканлиги тўғрисида ахбороти эшитилди.

Олий Мажлис қўмиталарининг раҳбарлари тушган таклифлар ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари тугаллангани тўғрисида маълумот бердилар, Олий Мажлиснинг бўлғуси сессиясини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш мажлисининг қатнашчилари депутатларнинг округларда, сайловчилар билан учрашувларида мамлакатимизда демократик, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасидан республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсат қўллаб-қувватланганлигини қайд этдилар. Айни пайтда тайёрланган қонун лойиҳалари Парламентнинг ўн бешинчи сессиясида қабул қилиниши давлатимизни демократия ва тараққиёт йўлидан ривожлантиришнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Мажлисда молия вазири Р. Азимов ва Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги макроиқтисодий ва давлат бюджетининг асосий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисидаги масала муҳокамасига бағишланган ахборотлари тингланди. Кенгаш аъзолари ушбу ҳужжатларнинг лойиҳаларини маъқулладилар, депутатлар сиёсий партиялари фракцияларининг ҳамда вакиллик органлари депутатлари блокининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, уларни Олий Мажлис ўн бешинчи сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилдилар.

Мажлисда Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров иштирок этди.



СУРАТДА: Олий Мажлис депутатларининг бир гуруҳи.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 19 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 19 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчиларга қўлланма сифатида "Ислом Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида" номли китоб чоп этилди.***

## МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Китобда миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси, ҳуқуқий маданиятни ошириш, демократик давлат, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти қурилишида маънавият ва мустақиллик ғояларининг ўрни ҳақида Президент Ислом Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузаларидан кўчирмалар келтирилган.

Мазкур нашр юридик ўқув юртлари ўқитувчи ва талабаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлат бошқаруви органлари ходимларига, Юртбошимиз асарларини ўрганаётган олимларга, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада нашр этилди.

**(ЎзА)**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия олий таълим муассасаларига қабул бўйича 1 августда кундузги ва 11 августда сиртқи бўлимларига бўлиб ўтган тест синовларининг натижаларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари абитуриентларининг тест синови натижалари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Тест синовлари натижалари республика таълим муассасаларининг қабул комиссияларига абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига ўз вақтида етказиш учун берилди.

**(ЎзА)**

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида имзоланган савдо, иқтисодиёт, сармоя, фан ва техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисга Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Мираброр Усмонов, Саудия Арабистони томонидан мазкур мамлакатнинг юртимизда меҳмон бўлиб турган савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳ раислик қилди.

Мажлисда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги алоқалар кенгаётган, ўзаро қўшма корхоналар очилаётган ва икки томонлама савдо ҳажми аввалги йиллардагига қараганда бир қадар ўсган бўлса-да, ҳали мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Қўшма комиссия мажлисида икки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, шунингдек, Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва уларни янада кенгайтириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистондаги инвестиция сиёсати ва хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит, мамлакатимиз иқтисодиёти учун устувор бўлган сармоявий лойиҳалар, хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ишлар, Саудия Арабистони сармоядорларининг хорижий мамлакатлардаги фаолияти ва стратегияси, мамлакатларимиз ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги мавзулар бўйича маърузалар тингланди.

Шу куни Саудия Арабистони савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳ раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА)**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Кеча Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Э. Воҳидов олиб борди.

Йиғилишда икки сессия ўртасидаги қўмита фаолияти ҳақида, XV сессия муҳокамасига тақдим этилаётган "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда XV сессияга ратификация учун киритилган ҳужжатлар ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қўмита аъзолари ушбу масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Айниқса, қўмита томонидан сессияга тақдим этилаётган "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан қизғин фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Қўмита аъзолари мазкур қонуннинг қабул қилиниши мустақил республикамиз учун ўта муҳим ва долзарб эканлигини алоҳида таъкидладилар ва қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг XV сессиясига муҳокама учун тавсия қилдилар.

* * *

Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилишини қўмита раиси Баҳриддин Наимов бошқарди.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тўғрисида, Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида ҳамда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисидаги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қашқадарё вилоятида ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди.

Депутатлар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирганларидан сўнг, қонун лойиҳалари Олий Мажлис XV сессиясига кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси ҳам бўлди. Унда Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартиби тўғрисида, қўмита томонидан сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда қўмитанинг 1995-1999 йиллардаги иш фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур масалалар юзасидан қўмита раиси Х. Тошев ахборот берди. У ўтган давр ичида қўмита томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Қўмита аъзолари сессия муҳокамасига киритилаётган "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва сессия кун тартибидаги масалаларни маъқулладилар.

* * *

Кеча Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси ўринбосари Ш.Жўраев олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлис ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, қўмита йиғилишида Жиззах вилоятида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишга доир қонунларга риоя этилиши масаласи ҳам кўриб чиқилди. Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Қобилов депутатларга шу хусусда ахборот берди.

Йиғилишда таъкидланишича, вилоятда мазкур соҳада қонунчилик талабаларига амал қилинишини тўлиқ таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, қўмита вакиллари томонидан ўтказилган текшириш чоғида вилоятда бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Зомин ва Нурота қўриқхоналари ҳамда Миллий паркда бир қатор қонунчилик талабларининг бузилиши ҳоллари кўр-кўрона яшириб келинган. Жиззах Миллий паркидаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ёввойи ҳолда ўсувчи шифобахш гиёҳлар ва озуқа ўсимликларини тўплаш ишлари етарли даражада назорат қилинмаяпти.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг ўтган беш йил давомидаги фаолияти натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи» анкетаси

*1. Мустақиллик деганда, Сиз нимани тушунасиз?*

*2. Ўтган саккиз йил давомида Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?*

*3. Ўзбекистоннинг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?*

## ЎЗБЕКЛИГИМДАН ҒУРУРЛАНАДИГАН КУН КЕЛДИ

***Анкета саволларига Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Умид» хусусий фермер хўжалиги раҳбари Имомали НАЗАРОВ жавоб беради:***

1. Узоқ йиллар турли лавозимларда ишлаб келган устозим, марҳум Абдуҳаким ака Мирсолиев шу гапни кўп такрорларди:

— Қўзичоқнинг олдига барча танқис емишини қўйинг, нарироғида бўри ҳам турсин, унинг егани ичига тушадими? «Қизил империя» даврида халқимиз шу қўзичоқдек қўрқувда яшади. Қани эди, Худо ёшимни ортга қайтарса-ю, мустақил давлатда завқланиб ишласам, еримга, даромадимга эгалик қилсам. Минг афсуски, бунинг иложи йўқ. Кексайиб қолдим. Энди сизларга қувват берсин. Тер тўкиб ишланг, мазза қилиб яшанг! Ҳурлик замони келди.

Дарҳақиқат, ўтган саккиз йилга назар ташларканман, бошқача бўлиб кетаман. Ҳақиқатдаям бошимизга бахт қуши қўнди. Айни кучга тўлган пайтим Озодлик қуёши балқиди. Ва мустақиллик менга имкон берди, ҳуқуқ берди. Фермер бўлиш қонунини берди. Ҳозирда 150 бош қорамолим бор. Ерларим, боғларим, савдо шохобчаларим, техникаю агрегатларим, қайта ишловчи цехларим, «Нексия», «Дамас» машиналарим бор. Барча мулкка ўзим эгалик қиламан. Етиштирган маҳсулотимни хоҳлаган жойда, хоҳлаган кишимга сотаман.

Ишдан сўнг шаҳарларни сайр қилишим, тинч ухлашим мумкин. Бунинг барча-барчаси Мустақиллик, Эркинлик, Озодлик меваси эмасми!

2. Қўлга киритилган ютуқларимнинг сон-саноғи йўқ. Аввало, айтишим керак, фермер хўжалигимда 1994 йили республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Ва ўшандан кейин ишимиз юришиб кетди. Бизга хайрихоҳлар кўпайди. Тажриба алмашгани давлат ҳисобидан Германияга бориб келдим. Мендек оддий фермерни нуфузли кенгашга аъзо этиб тайинлашди. Фаолиятимиз ҳақида «Умид» ва «Бувижон» фильмлари суратга олинди.

Мустақиллик туфайли ўзбеклигимдан фахрланадиган кун келганлигини билдим. Янада катта масъулият бўйнимга тушганини, ҳалол меҳнат, одоб ва камтаринлик билан унга муносиб бўлиш зарурлигини пайқадим. Шунинг меваси ўларoқ, 1998 йили 178 тонна сут, 10 тонна гўшт, 6 тонна қаймоқ, 8 тонна макарон, 50 тонна бошоқли дон, турли сабзавот маҳсулотлари етиштирдик. Уларни давлатга, шифохона, болалар боғчаларига, корхона, ташкилотларга етказиб бердик.

Ҳар бош сигирдан 4700 литрдан сут соғиб олиб, йилни 2,5 миллион сўм соф фойда билан якунладик! Мустақилликнинг саккизинчи йили, айниқса, пойқадамли келди. Биз ўз фойдамиздан икки миллион сўмга иккита «Сутли ошхона» жиҳозларини сотиб олдик. Ун тегирмонимиз, музқаймоқ, иккита нон, макарон, обжувоз, сутни қайта ишловчи цехларимиз ва савдо шохобчаларимиз тўхтовсиз ишлаб келмоқда. Янги-янги иш ўринлари ташкил қилмоқдамиз. Ишчилар иш ҳақини бирор соат ҳам кечикмай олишяпти.

Жорий йилнинг 6 ойлик якуни ҳам қувончли бўлди. 110 тонна ёғли сут, 4 тонна қаймоқ, 31 тонна қатиқ, 10 тонна гўшт, 7 тонна макарон, нон ва қандолат маҳсулотлари етиштирилди. Ҳар бош сигирдан 2627 литрдан сут соғиб олинди. 6,5 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди

Туманимизда ҳам ўзгаришлар беҳисоб. Ўқув коллежи, мактаблар, шифохоналар қурилмоқда. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига эътибор кучайтирилган. Тадбиркор, ишбилармонлар, деҳқон-фермерлар қўллаб-қувватланмоқда, сафларимиз кенгаймоқда, чет эл технологиялари туманимизга кириб келаяпти.

3. Ҳар бир инсон ўзига бошпана — Ватан қуришни пойдевордан бошлайди! Кейин ғишт ёки синч қадайди, хуллас, том ёпади. Йиғиниб-йиғиниб мол-қўй боқади, машина олади, гараж қуради. Сўнг қимматбаҳо мебель, гилам, совутгич, видеотехника ва ҳоказоларни сотиб олади, тўй-томоша қилади. Булар ҳаммаси изланиш ва меҳнат туфайли келади. Буни нега айтаётибман? Давлат ҳам бир оиладек гап. Шундай экан, саккиз йиллик машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ёшларимизга келсак, улар бефарқ эмаслар.

Маҳаллаларга, қишлоқларга чиқиб, Фидокорлар миллий демократик партияси бошланғич ташкилотини тузаётганимизда, уларни кўрдим, инондим, ёшларимизнинг сафимизда бўлиш ниятида отилиб чиқишлари, Ватанга бўлган ҳурмат ва ишончини кўриб, танамга сиғмай, шодланиб кетдим.

Биз тилли, онгли инсон эканмиз, ҳамиша ўз она-тупроғимизни, серқуёш, тоза ҳавомизни покиза қалб билан асраб, яна таъкидлайман, ўзбек эканлигимиздан ғурурланадиган кун келди.

**«Халқ сўзи» мухбири Қ. ЭШМАТОВ ёзиб олди.**

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ 1154-сонли Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида"ги шу йил 19 июлдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Мажлисда ҳар бир вазирлик ва идора бўйича 1 сентябрь ва 1 октябрь ҳолатига мавжуд муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин камайтириш бўйича тасдиқланган жадвалларнинг бажарилиши таҳлил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**



# ҚОНУНЛАР — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

# ЯНГИ ТИЗИМ

## унинг мақсаду вазифалари

**Парламентимизнинг XY сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари ўта муҳим ва бугунги кун учун долзарб эканлигига шубҳа йўқ. «Суд ижрочилари тўғрисида»ги ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари тайёрланиб, сессия кун тартибига киритилганлиги бу йўлда ташланган яна бир жиддий қадам бўлди. Мухбиримизнинг Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддин ИСМОИЛОВ билан суҳбати ана шу лойиҳалар хусусидадир.**

**— Нуриддин ака, аввало, шуни эътироф этиш керакки, ушбу қонун лойиҳалари кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Ҳатто баъзи мутахассислар таҳририятимизга бу хусусдаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам юборишга улгуришди. Сиз бунинг сири нимада, деб биласиз?**

— Албатта, бу бежиз эмас. Ўзингиз ўйланг. Ҳар қандай қонун нимаси билан кучли? Табиийки, ижроси билан. Агар ижро тўлиқ таъминланмас экан, давлат номидан эълон қилинган ҳужжатга бўлган ишонч ҳам йўқолади. Шу сабабли, ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этиш механизмини тартибга солиш ҳаётий зарурат эди. Чунки энди суд ижрочиларининг ҳуқуқ ва ваколатлари тўлиқ кафолатланади. Энг муҳими, ижрода натижа бўлади. Бу ўз навбатида суд тизимининг мустақиллигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлганлигининг сири ҳам ана шунда.

**— Демак, тўғридан-тўғри ижро ишлари билан шуғулланишни суд идоралари ваколатида қолдириш талабга мос эмас экан-да...**

— Шундай деса ҳам бўлади. Чунки суд ўзининг ҳам, бошқа органларнинг ҳам ҳужжатларини ижро этиш билан боғланиб қолмаслиги керак. Ана шу мақсадда ушбу қонун лойиҳаларига мувофиқ, адлия органлари тизимида суд ижрочилари хизмати ислоҳ қилинмоқда. Биласизми, бу хизмат суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг талабларини фуқаролар, юридик шахслар томонидан мажбурий ижро этилишини таъминлаши лозим. Сир эмас, ҳозирги кунда суд ҳал қилув қарорларининг тўлиқ ижро этилиши одил судлов олдида жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Биргина 1998 йилда зарарнинг қопланиши, қарздорлардан қарзларни ундириш жараёни умумий судларда борйўғи 10 фоизни ташкил этди. Яъни, 1 миллиард 790 миллион сўмдан, барча ҳаракатларга қарамасдан, атиги 177 миллион сўмгина ундирилган, холос.

**— Бунинг сабаби ҳали тегишли ҳуқуқий механизм шаклланмаганлигидан бўлса керак-да?**

— Албатта. Шу боис суд ҳал қилувчи қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш мазкур қонун лойиҳаларининг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси суд ва ваколатли органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Шу билан бирга, фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тўлиқ кафолатлайди.

Шу ўринда лойиҳанинг айрим моддалари хусусида тўхталиш жоиз. Масалан, унинг 5-моддасида мажбурий ижро этилиши лозим бўлган суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг аниқ рўйхати белгилаб қўйилган. 6-моддада эса ижро ҳужжатлари рўйхати келтирилади. Бу рўйхат фуқаролик, фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ белгиланган. Ижро ҳужжатлари рўйхатига илгари унда кўрсатилмаган янги ҳужжатлар ҳам киритилган.

Яна бир гап. Қонун лойиҳасининг 12-моддасида ижро ҳужжатини ижро этишнинг икки ойлик муддати белгиланган. У ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Лекин айрим турдаги ижро хужжатлари зудлик билан ижро этилиши лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

**— Кўпчиликни суд ижрочиларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ваколатлари қизиқтириши табиий. Айтинг-чи, лойиҳада бу қандай ифода этилган?**

— Уларга қатор ваколатлар берилган. Ҳуқуқий мақоми эса меъёрига етказиб таърифланган. Суд ижрочилари, лойиҳада белгиланганидек, ҳокимият вакилидир. Улар хизмат вазифасини бажараётганда республикамиз Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намуналарда махсус кийим-бош кийиб, кўкрак нишонини тақиб юрадилар. Бундан ташқари, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимлари махсус унвонлари ҳам берилади. Лойиҳада суд ижрочисига суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда талай ваколатлар берилган. Эндиликда, агар ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида уларни ижро этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келса, суд ижрочиси уни амалга оширишни ўз ташаббуси билан кейинга қолдириб, бошқа муддатга ўтказиши мумкин. Илгари бу қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, лойиҳада ижро ҳужжатини бажармаганлик учун жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилмоқда. Биринчи марта суд ижрочисига ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун қарздорларга тегишли миқдорда жарима солиш ҳуқуқи берилмоқда. Лойиҳадаги бу янгилик ижро ишини юритиш самарадорлиги ва тезкорлигини оширишни, шубҳасиздир. Олдин амалдаги қонунларга мувофиқ, суд ижрочиси ижрони бажармаганлиги учун жазо бериш хусусида судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эди, холос.

**— Эндиликда суд ижрочиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, ижро ҳужжатларини тартибга соладиган қонун бор, деб айтишимиз мумкин...**

— Ҳа. Ҳар икки лойиҳа ҳам ана шу фикрнинг амалда ўз аксини топиши йўлида хизмат қилади. Уларнинг қабул қилиниши ижро интизомини янада мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу лойиҳалар депутатларимизга анча барвақт етказилди. Улар ўз сайловчиларига мазкур лойиҳалар мазмун-моҳиятини тушунтиришди. Шунингдек, жойлардаги суд ижрочилари, судьялар, тадбиркорлар билан ўзаро фикр алмашдилар. Куни кеча бўлиб ўтган қўмитамиз йиғилишида ҳам депутатларимиз бу масалани кенг муҳокама қилиб, ҳар икки лойиҳани XV сессияда биринчи ўқишда қабул қилиб, умумхалқ муҳокамасига ташлашни лозим деб топдилар. Менимча, бу энг мақбул иш бўлди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**



*Депутатлар учрашганда...* **Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# МУҚАДДАС ТИЛАК

**107-Сўғдиёна сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани халқ таълими бўлими мудираси Зевар ҲАСАНОВА ҳикоя қилади:**

— Яқинда бир танишимдан сўрадим. Эслайсизми, қайси жамиятда, қачон аёлларга эътибор юксак чўққига кўтарилганини? У иккиланмай, Мустақил Ўзбекистонимизда, деб айтди. Дарҳақиқат, Аёлларимизга, яъни бизга 1999 йил шундайлигича ҳадя қилинди. Аёлнинг бу қадар улуғланиши, қадрланиши кимни ҳам тўлқинлантирмайди, дейсиз? Узоққа бормай, Олий Мажлиснинг ўтган ўн тўртинчи сессиясини эсга олайлик. У биргина Аёлларнинг ҳаётдаги фаолиятини янада юксалтириш, уларнинг имтиёз ва имконият доираларини кенгайтиришга эътибор қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ўша сессияда қабул қилинган «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қонун биз, аёллардан юрт равнақи, Ватан келажаги йўлида ҳар қачонгидан ҳам фидойироқ бўлишимизни талаб этади.

Масалан, мен ҳамиша ўз соҳамнинг чинакам жонкуяри, фидойиси бўлмоғим лозим, деб ҳисоблайман. Қаранг-а, юртимизда биргина таълим ислоҳотига қанчалик эътибор қаратилаётир. Ўтган қисқа давр ичида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши замирида Ватан равнақи — ёшлар келажаги ётмаяптими? Ҳар йили 1 октябрнинг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинганлиги-чи? Буларнинг ҳаммаси халқ таълими ходимлари учун беқиёс ғамхўрлик, фарзандларимизнинг истиқболи учун мустаҳкам пойдевордир.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига ҳам талай долзарб масалалар киритилган. Биргина «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олинг. Унинг амалга киритилиши биринчи галда фуқаролар соғлиғини сақлаши, давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, тинчлик, осойишталикнинг сақланиши, фарзандлар соғломлиги, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши юртимиздаги ҳар бир Аёлнинг энг муқаддас тилагидир.

**Жамоатчи мухбиримиз**
**Абдурасул САТТОРОВ**
**ёзиб олди.**

# ДАЪВАТКОР КУЧ

Олий Мажлиснинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Гулнора Йўлдошева «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида гапира туриб, гиёҳвандлик бугунги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётганлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, бу масала республикамиз ҳукуматининг ҳам диққат марказида турибди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ барча ҳаракатларнинг қонуний бўлишига эришиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади. Чунки бу ҳужжатда бундай фаолиятнинг барча жиҳатлари қамраб олинган бўлиб, у гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг манбалари ва йўлларига ишончли тўсиқ қўяди. Шунингдек, бу фаолиятга алоқадор бўлган барча давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини тартибга солади.

Ҳеч кимга сир эмаски, сўнгги пайтларда гиёҳванд моддаларни республикамиз орқали бошқа ҳудудларга олиб кетишга уринишлар бўлаяпти. Қонун лойиҳасининг 12-моддасида айнан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзда олиб ўтиш учун тегишли сертификат бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Қонун лойиҳасининг 13, 19-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш, сотиш, сотиб олиш, ташиш, бошқа жойга кўчириш қатъий тартибга солинган. Қонун лойиҳасининг яна бир жиҳатига тўхталиш жоиз. Истаймизми-йўқми, ёшларимиз орасида гиёҳвандлик дардига мубтало бўлганлар йўқ эмас. Қонун лойиҳасида тиббий ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини изга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Гиёҳвандлик касали билан оғриган беморларга норкологик ёрдам кўрсатиш, уларни кўрикдан ўтказиш, маслаҳатлар бериш, диагноз қўйиш, даволаш ва тиббий-ижтимоий тиклаш давлат томонидан кафолатланиши қонун лойиҳасининг 44,45-моддаларида алоҳида қайд этилади. Бундай беморларга тиббий хизмат кўрсатиш — даволашнинг мазкур фаолият тури учун лицензия олган соғлиқни сақлаш тизимининг давлат ҳамда хусусий муассасаларида амалга оширилади.

Ушбу қонун лойиҳасининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у мамлакатимизга гиёҳвандлик воситаларининг кириб келиши устидан назоратни янада кучайтиради ва бу билан фарзандларимизни гиёҳвандлик деб аталувчи балои офатдан асраб-авайлаб қолади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мавжуда ХОЛМАТОВА**
**ёзиб олди.**

# ДЕПУТАТЛАР БЛОКИДА

**18 август куни бўлиб ўтган ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишини блок раҳбари, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов олиб борди.**

**Йиғилишда блок аъзолари Олий Мажлис XV сессияси муҳокамасига киритилаётган барча масалаларни муҳокама қилиб, маъқулладилар.**

# ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раиси, партия сиёсий кенгашининг биринчи котиби Т. Даминов олиб борди.

Йиғилишда молия вазири Р. Азимов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси ва Ўзбекистон Республикаси 2000 йилги макроиқтисодиёт ва Давлат бюджетининг асосий истиқбол кўрсаткичлари ҳақида ахборот берди. Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов ҳам ана шу масалалар юзасидан сўзга чиқди. Партиянинг Парламентдаги фракцияси аъзолари Олий Мажлиснинг XV сессияси муҳокамасига киритилган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Шу куни «Ватан тараққиёти» партиясининг мамлакат Парламентидаги депутатлар фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалалар бўйича фракция раиси А.Турсунов сўзга чиқди. Фракция аъзолари сессия муҳокамасига киритилган масалаларни маъқуллашди.

Йиғилишда, шунингдек, молия вазири Р.Азимов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси ва Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги макроиқтисодиёт ва Давлат бюджетининг асосий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисидаги масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Мамлакатимизда айни пайтда 18,9 миллиард 700 миллион кубометр сув сиғдира оладиган 53 та сув омбори, бир дақиқада 6500 кубометр сувни 10 метрдан 200 метр баландликкача кўтариб бериш қувватига эга 1461 та насос станцияси, дарё сувларини вилоят ва туманларга тақсимлаб берувчи 150 дан ортиқ сув тўғонлари, 28122 километр узунликдаги магистрал каналлар ва бошқа иншоотлар мавжуд. Бироқ гидротехника иншоотларининг ҳаммасини ҳам талабга тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.***

***Уларга эътиборсизлик эса, табиийки, айрим кўнгилсиз ҳодисаларни юзага чиқариши, халқ хўжалигига катта зарар келтириши мумкин.***

# СУВ ИНШООТЛАРИ НАЗОРАТДА БЎЛАДИ

Навбатдаги сессия кун тартибига қўйилган «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг моддий манфаатлари, соғлиғи, ҳаёти, гидротехник иншоотларни эксплуатация қилувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иншоот ва бинолар бузилишининг олдини олиш, ҳалокатга олиб келувчи ҳар хил фавқулодда вазиятларга йўл қўймаслик мақсадларини кўзда тутади. Қонун лойиҳасида республика ҳукумати, маҳаллий ҳокимият органлари, гидротехник иншоотларни эксплуатация қилувчи ташкилот, корхоналарнинг, гидротехник иншоотларнинг бехатар ишлашини назорат қилувчи ташкилотларнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Жумладан, лойиҳанинг 7-моддасида гидротехник иншоотларнинг техник аҳволини баҳолаш, бехатар ишлашини таъминлаш мақсадида ҳар бир объект учун паспорт ҳисобланган кадастр юритиш лозимлиги белгиланган бўлса, 9-моддасида эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган.

Гидротехник иншоотларнинг ишлаш жараёнидаги кичкина хато ёки камчилик халқ хўжалигида жуда катта талафотларни келтириб чиқариши мумкин. 1971 йилда Яккабоғ туманидаги «Нўғойли» сув омбори ёки ўтган йили Шоҳимардонда юз берган табиий офат бунга мисол бўла олади.

Шуни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасида эътиборсизлик натижасида гидротехник иншоотлар бузилганда, фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, айбдорларга нисбатан маъмурий ва жиноий жазо чоралари кўрилиши ҳам белгилаб қўйилган.

«Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қабул қилинса, у фуқаролар манфаатлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, дарё ва суғориш тизимларида бунёд этилган сув омборлари, насос станциялари ва бошқа гидротехник иншоотларнинг бехатар ишлашини таъминлаши, халқ хўжалигига етарли миқдорда сув етказиб бериши ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Пўлот ШАРОПОВ,**
**Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби.**

# «ЎРГАНГАНИМИЗ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЯРАТГАНИМИЗ — ХАЛҚНИКИ»

Бугун Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Депутатлар, шубҳасиз, ўтган беш йил вақт давомида мамлакатимиз тақдирига дахлдор бўлган кўплаб тарихий воқеаларнинг нафақат шоҳиди, балки ҳам иштирокчиси, ҳам яратувчиси бўлдилар. Улар айни пайтда ўзлари аъзо бўлган сиёсий ташкилотлар, қолаверса, сайловчилари ҳузурида ҳисобот ҳам бермоқдалар. Халқ ибораси билан айтганда, ғалвирни сувдан кўтарадиган — ҳисоб-китоб қиладиган пайт келди. Шу боис мухбиримиз уларга бир савол билан мурожаат қилди: **беш йиллик депутатлик фаолиятингиз сизга нима берди, нималарга ўргатди?**

*Икки депутатга бир савол*



**Рустамбек ТУРДИЕВ, 133-Сайхун сайлов округидан депутат (1957 йилда туғилган, ихтисослиги — ҳуқуқшунос):**

— Бундай ўйлаб қарасам, Олий Мажлисга депутат сифатида сайланганимда ўттиз етти ёшда эканман. Бу ёшдаги одам одатда янгиликка чанқоқ, ғайрат-шижоатли бўлади. Депутатлик даврим мен учун нафақат сабоқ, балки катта мактаб вазифасини ўтаганлигини айтишим шарт, деб ўйлайман. Чунки ўшанда биз, депутатларнинг зиммамизга ўта масъулиятли ва шарафли вазифалар юкланган эди. Биз собиқ иттифоқ даври депутатларидек, фақат «наказ» бажарганимиз йўқ. Биз, аксинча, мустақил мамлакат — Ўзбекистоннинг ҳуқуқий пойдевори — қонунларимизни яратдик, қабул қилдик. Энг муҳими, халқ билан уларнинг вакиллари бўлган депутатлар ўртасидаги мулоқот маданияти шакллана бошлади. Демак, биз ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини амалда шакллантираяпмиз. Тўғри, бу узоқ ва муттасил давом этадиган жараён. Лекин ана шу жараёнда бизнинг ҳам улушимиз борлигини, авлодларимиз келажакда, албатта, эслашини ўйласам, қалбимда фахрланиш туйғуси пайдо бўлади.

Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, Парламентимизда қонун яратиш, уни муҳокама қилиш, ижросини ўрганиш борасида яхши тажрибалар тўпланди, депутатларимиз сайловчилари — халқнинг ичига тобора чуқурроқ кириб бордилар, деб ўйлайман. Қолаверса, бугунги сайловчиларимиз ҳам кечагиларига сира ўхшамайдилар. Мен бу гапни бекорга айтаётганим йўқ. Ўзим сайланган 133-сайлов округи бўйича ҳар ойнинг биринчи шанбасида, куннинг биринчи ярмигача Сайхунобод туманида, иккинчи ярмида эса Гулистон тумани ҳокимлиги биносида сайловчиларимни қабул қиламан. Менинг сайловчилар ҳақидаги хулосаларим ана шу учрашувлар, мулоқотларим мобайнида пайдо бўлган. Уларнинг менга ўз вакиллари сифатида асосан ҳақ-ҳуқуқ масалалари бўйича мурожаат қилганликлари, албатта, қувонарли ҳолдир. Чунки биз олдимизга мақсад қилиб қўйган ҳуқуқий демократик жамият, «қарс икки қўлдан» дегандаридек, фуқароларнинг ҳуқуқий савиясининг юксалиши, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига ҳам боғлиқ жараёндир. Зеро, бусиз биз олдимиздаги улкан мақсадларимизга эришолмаймиз.



**Муҳаммадмўйдин РАҲМОНОВ, 52-Куйганёр сайлов округидан депутат (1944 йилда туғилган, ихтисослиги — муҳандис-механик):**

— Ҳуқуқшунослар ҳар қандай қонунни универсал характерга эга восита, деб тушунишади. Бу гапда чиндан ҳам жон бор. Чунки қонунлар ҳаммага, одатда у ким бўлишидан қатъий назар, тенг хизмат қилади. Шу боис ҳам фуқаролар уни яратишда гоҳ бевосита, гоҳ вакиллари — депутатлар воситасида иштирок этади. Қонунларда ана шундай йўллар билан кўпчиликнинг манфаатлари ифода этилади. Қолаверса, бу фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан биридир. Мен буни, айниқса, депутатлик фаолиятим давомида янада чуқурроқ ҳис қилдим, десам адашмаган бўламан.

Ҳуқуқий маданияти юксак жамият — кучли жамият бўлади. Қонунлар мамлакатимиз ривожланишининг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланганги ҳам бежиз эмас. Ана шу интилиш, жараёнлар натижаси ўлароқ, одамлар ҳақ-ҳуқуқини танияпти.

Мен роппа-роса эллик ёшимда депутатлик ваколатига эга бўлганман. Депутатликкача бўлган 50 йилни бир томонга қўйиб, ундан кейинги 5 йилни иккинчи томонга қўйиб, ўзимча қиёсласам, депутатлик муддатим ғоят жўшқин, ғоят сермазмун ва ҳаяжонли ўтаётганлигини тан олмасдан иложим йўқ. Одамлар сенга, сен одамларга интилсанг, талпинсанг, бир-бирингни шундай чуқур ва яқиндан англар экансанки, фақат эркинлик шароитидагина шу ҳолат юз бериши мумкин.

Энг муҳими, одамлар Ватан мустақиллиги нима эканлигини бугун тўлиқ англаб етди, унинг машаққатлар билан яратилган тотли меваларини татиб кўрди. Бу катта ютуқ, катта натижа. Буларнинг ҳаммасини ҳис қилмоқ, қадрига етмоғимиз керак.

Энди саволингизга келсак, унга лўнда қилиб шундай деб жавоб қайтармоқчиман: ўрганганимиз-ўзимизники, яратганимиз, эришганимиз эса халқникидир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Исмат ХУДОЁРОВ**
**суҳбатлашди.**

*Хорижий матбуот саҳифаларида*

# «УЙҒОНИШ» ТЕАТРИНИНГ ЯНГИ ЮТУҒИ

***Мустақиллик туфайли миллий маданиятимиз ютуқлари ҳам хорижий дунёга дадил қадамлар билан чиқа бошлади. Чет мамлакатларда ўзбек тасвирий санъати ва ҳунармандчилиги кўргазмалари катта шуҳрат қозонмоқда. Миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатимизнинг хорижий мухлислари доираси тобора кенгайиб боряпти. Жумладан, театр санъатимизга ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг ёз ойларида АҚШда Яхудийлар театрида атоқли адиб ва драматург Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» асари саҳналаштирилди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.***

***Қуйида АҚШда чиқадиган «Бухарско-еврейский мир» («Олами яҳудиёни Бухори») газетасининг шу йилги 63-сонидан кўчириб босилаётган театр тақризи ҳам шундан далолат беради.***

1999 йилнинг 20 июнида «Уйғониш» театри саҳнасида ўзбек драматурги Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пьесаси асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди.

Санъат бизга инъом этган мўжизалар орасида театр санъати алоҳида ўрин тутади. Ахир, ҳазил гапми, саҳнада, ҳамманинг кўз ўнгида ажиб бир сеҳргарлик юз беради: дўсту-биродар актёрлар гриммларга бўялиб ва ўз қаҳрамонларига хос либосларни кийиб олиб сизга ҳаётингизнинг бир парчасини ярақлатиб тақдим этади. Сиз эса театрдан чиққач, қандайдир олийжаноб, эзгу ҳаракатларга қўл ургингиз келаверади.

20 июнь куни Семён Аулов бошлиқ театр жамоаси томошабинлар ҳукмига ўзининг янги, «Келинлар қўзғолони» спектаклини тақдим этганда, назаримизда, худди шундай мўъжизали ҳол рўй берди. Томошабинларда бу асар катта таассурот қолдирди. Ўзбек драматурги Саид Аҳмад ўзининг бу асарини 70-йилларнинг ўрталарида яратган эди. Шундан буён у Ўзбекистоннинг кўпгина театрлари саҳнасидан тушмай келяпти. Биз ҳам Ўзбекистонда бўлганимизда, мазкур асарни республика телевидениеси орқали бир неча марта кўришга муяссар бўлган эдик. Лекин Люба Пилосова ҳақли равишда таъкидлаб айтганидек, бу пьеса «Уйғониш» театри актёрлари ижросида тамомила бошқача томошага айланди. Асар, энг аввало, моҳирона режиссёрлик иши ва актёрларнинг ажойиб талқинлари орқали саҳнада ўзгача «жонланди».

Семён Аулов бундан аввал ўзини катта истеъдодли ижодий шахс сифатида намоён эта олган эди. У «Ҳостгори», «Тошкент-Нью-Йорк», «Инчоро Америка мегуянд», «Ариджон, на трас» каби ажойиб спектакларни саҳналаштириб, томошабинлар меҳрини қозонди. Мана энди уларнинг қаторига «Келинлар қўзғолони» спектакли ҳам қўшилди. Томошабинларнинг якдиллик билан эътироф этишларича, режиссёр бу асарда ўз имкониятларини энг юксак даражаларда намойиш эта олди.

Спектаклда талайгина мизансаҳналар бор ва уларнинг ҳар бири заргарона мукаммал ишланган бўлиб, асарда табиий равишда умумий яхлитликни ташкил этади. Бунда, яъни алоҳида, хилма-хил руҳий товланишлар, воқеа-ходисалардан инсон ҳаётининг яхлит манзарасини ярата олишда режиссёрлик санъати, айниқса, яққол кўзга ташланади.

Спектаклга абадий, ҳеч қачон эскирмас, токи инсоният бор экан ҳеч қачон ўз ўткирлигини йўқотмайдиган бир муаммо мавзу қилиб олинган. Бу — гоҳида фожеали ҳолатларгача етиб борадиган қайнона ва келин ўртасидаги ўзаро муносабатдир. Пьесада бу муносабатнинг ҳаётий асоси сақлаб қолиниб, у ҳазил-мутойиба, кулгу билан кўрсатилади.

Спектаклга тайёргарлик машғулотлари бўлаётган кунлардан бирида мен Семён Ауловдан: «Яна комедия асари саҳналаштириляпти экан, унинг янгилиги нимада?» деб сўрадим. У шундай жавоб берди: «Мухожирликнинг машаққатларини бошдан кечираётган одамлар кўнгилдаги ғуборларини тарқатишга алоҳида эҳтиёж сезади, шу боисдан кулгу-ҳазилга бой спектаклни катта ихлос билан саҳналаштирдик. Унинг янгилиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу янгиликлар бир талай: аввало, спектакль рус тилида қўйилди, бундай йўл тутишимизнинг сабаби — биз ёшларни театрга жалб этмоқчимиз. Труппамизда кўпгина



иқтидорли ёшлар пайдо бўлди. Оля, Раймон ва Эмилия Маллаевлар ана шундай ёшлардандир. Табиийки, иш кўпайди, лекин бу ижодий ишдан катта кўнгил қониқишига эга бўляпман. Театримиздаги ёшлар — бизнинг келажагимиз».

Театрнинг бош маъмури Алла Аулова унга қўшимча қилиб, яна шундай деди: «Саид Аҳмаднинг пьесаси бизнинг руҳимизга ҳамнафас: бу асар бир оиланинг муаммолари тўғрисидагина эмас, бундай оилалар Америкада ҳам кўп, шу билан бирга ушбу асар бизга собиқ Ватанимизни ҳам эслатиб туради».

Актёрларнинг ижроси киши диққатини алоҳида тортади. Мира Аронбоева — томошабинлар муҳаббатига алла қачонлар сазовор бўлган актриса. У спектаклда бош ролни ўйнамоқда. Ўша «генерал ая» деб ном олган қайнона, ўз оиласи муҳитида даҳлсиз давлатни шакллантира олган Фармон биби ролини қойилмақом қилиб саҳнада гавдалантирди. Бу оилада, унинг сезгир нигоҳи остида етти ўғил, шунча келин ва 41 та невара яшайди. Бироқ бир неча вақтдан буён бу оиланинг бузилмас қўрғонида ғишт кетидан ғишт кўча бошлаган. Оилада қарор топган муҳитга путур ета бошлайди. Бунинг ҳаммасига кенжа келин Нигора сабабчи. Оиланинг мутлоқ ҳукмрони бўлган кекса онанинг руҳиятидаги ўзгаришларни, вақт ўзи билан олиб келаётган янгиликларга унинг аста-секин кўникиб боришини Мира Аронбоева ғоятда ишонарли ва нафис кўрсата олди. У кампирнинг ички дунёсидаги кўз илғамас нозик ҳолатларни, унинг собиқ ҳукмронлигидан воз кечиши жа-



раёнидаги қийналишларидан тортиб, замон олиб келаётган ўзгаришларга донолик билан мослашишларини маҳорат билан оча билди.

Мира Аронбоева Фармон биби ролини шу қадар маҳорат билан ижро этдики, томоша сўнгида залдагилар уни тик туриб олқишладилар. Ва мен ишонаман, унинг «Ҳой, келинларим-ув» деган чақириғи халқ қалбига кўчади ва бу ибора ўзига хос ҳукмронликнинг бир ифодаси сифатида яшаб қолади.

Эся Сулаймонова пьесада Сотти ролини ўйнаган. Бу келин зиммасида қайнонага гап ташувчилик, «шпионлик» вазифаси бор. Актрисанинг бой ижрочилик санъати бу асарда энг аввало, ҳаётни ўз қайнонасининг қаричи билан ўлчайдиган, унинг ҳар бир сўзини ўзига қонун деб биладиган ёш аёлнинг ўзига хос дунёсини ғоятда мароқли кўрсатишида намоён бўлади.

Марина Юсупова, Ирина Пинхасова, Любовь Исоқова, Ширин Левиева, Эся Сулаймонова, Элла Бангиева ва Ольга Маллаева ижросидаги қўзғолончи келинлар гуруҳининг саҳна талқинлари узвий яхлитлиги, муболағадор кулгули ҳолатларга бойлиги билан ажралиб туради.

Спектакль интиҳосида Борис Сулаймонов ўйнаган этикдўз роли салмоқли мазмун касб этган. Табиатан истеъдодли, ҳажвгўй, бир талай кулгули новеллалар муаллифи бўлган бу актёр донишмандлиги ва беғубор, қув табиатлилиги билан ажралиб турадиган этикдўзнинг халқчил руҳиятини ёркин гавдалантира олди.

Ушбу спектаклнинг энг ажойиб жиҳатларидан бири, асосий ролларни ёш актёрлар ўйнаганлигидир. Улар мана шу спектакль сабаб бўлиб, саҳнага илк бор қадам қўйишди. Айнан мана шу дадилликда, янги актёрлар авлодини театрга таклиф этиб, уларга энг масъулиятли ролларни топширишида Семён Ауловнинг режиссёр ва мураббий сифатидаги бой ижодий тажрибаси яққол кўзга ташланади.

Спектакль бошловчиси Лидия Мушеева, ҳар доимгидай, бу гал ҳам ўзининг ёрқин истеъдодли ижодкор эканлигини кўрсата олди ва спектаклнинг бошланишиданоқ унга байрам тароватини бағишлади. Фақат угина шу қадар шукуҳли, самимий ва ҳар бир сўзга юрак қўрини бағишлаб гапира олиши мумкин.

Спектакль ҳомийлари орасида Борис Қандов, Ирина Пинхасова каби таниқли шахслар, шунингдек Зоя Маҳсумова каби ажойиб шифокорлар, Майкл Ахороноff, Шмуэл Абрахам, дантист Бэлла Норматова ва бошқа кўпгина ажойиб кишилар борлигини эслаш кўнгиллидир. Улар ўсиб, ижодий куч тўплаб келаётган навқирон театр жамоасини қўллаб-қувватлашни ўзлари учун фахрли иш деб билдилар.

Спектаклнинг сифат жиҳатдан юқори савиясини таъминлаган яна бир қатор муҳим омиллар тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Масалан, актёрлар маҳоратининг ушбу спектаклда яна бир даража юксакликка кўтарилгани, Тошкент ҳовлиларига хос миллий шароитнинг саҳнада ҳақиқий жонлантирилганлиги, турғунликдаги 70-йиллар муҳити ишонарли талқин этилганлиги ҳам спектаклга бетакрор «ҳаво» бағишлаган. Буларнинг барчаси Борис Аулов ижросидаги доира усуллари билан узвий қўшилишиб спектаклнинг ўзига хос «дунёси»га айланади.

Айни шу жиҳатлар Саид Аҳмад пьессасининг мазмунини ўзгача бир руҳ, оҳанг, жозибада томошабинга етказади.

Спектаклнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири бастакор Шавкат Гавриэловнинг Р. Елизарова ҳамда Л. Исоқованинг малоҳатли, самимий, лирик қўшиқларига қанот бағишлаган ажойиб мусиқасидир. Спектаклнинг мусиқий дунёсини бутун жозибаси билан юзага чиқаришда концертмейстер Берта Кимёгарова ва сайқаллаштирувчи Михаил Бобохоновлар нақадар тер тўкиб меҳнат қилганлигига мен ўзим гувоҳман.

Спектаклнинг саҳна жиҳозларини Рафаэл Сулаймонов катта маҳорат билан тайёрлаган. У Фармон биби ҳовлисининг кўриниши ва спектакль қаҳрамонларининг либосларини миллий асосларда яратган, шу билан бирга, воқеалар содир бўладиган жой, вақтга хос бетакрор белгиси-аломатларини нозиклик билан илғаган.

**Рена ЕЛИЗАРОВА.**

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Юқоридаги мақола: «Олдинда — 25 июль, бу кун театр жамоаси «Келинлар қўзғолони» спектаклини иккинчи гал намойиш этади. Кимки бу оқшом театрга келса, уни совға кутади» деган сўзлар билан якунланади.*

*Бу «совға» юз берди: асар муаллифи, атоқли ўзбек адиби ва драматурги Саид Аҳмад АҚШга ташриф буюриб, «Уйғониш» театри жамоаси ва томошабинларининг азиз меҳмони бўлди. Сафар кунларида адиб муҳожирликдаги ватандошлар билан мароқли учрашувлар ўтказди.*

*Биз Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрамини катта қувонч билан кутиб оляпмиз. Уни қанча байрам қилсак, шунча кам. Истиқлолнинг Ватанимиз, халқимиз ва ҳар биримизнинг тақдиримиздаги ўрни ва аҳамияти бебаҳодир. Истиқлол Ўзбекистонни дунёга танитди. Қатрада қуёш акс этади деганларидек, севикли адибимиз Саид Аҳмаднинг АҚШга сафари ва унинг асарининг океан ортида эришган ютуғи Истиқлолнинг муносиб неъматларидан биридир.*

***Очиғи, Бухоро туманидаги «Шоқир» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Қаҳҳор Улуғовни «ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, уста деҳқон» дея таърифлашганида, дастлаб ажабланган эдим. Наҳотки, узоқ йиллар мобайнида идораларда ҳисобчи, кейинчалик одмигина қишлоқ алоқа бўлими мудири вазифасида ишлаб, пенсияга чиққан одам кексайган чоғида «бир юмалаб» илғор фермер бўлиб қолса? Ахир, деҳқончиликда иқтидор, тажриба, кўникма деган гаплар ҳам бор-ку?...***

# ЎЗБЕК ДЕҲҚОНИНИНГ ДАСТУРХОНИ

## Истиқлол шарофати туфайли тўкин бўлмоқда

Аммо Қаҳҳор аканинг даласида бўлганимизда, бундай мақтовлар бежиз эмаслигига амин бўлдик.

Пайкалнинг бошидан оқиб ўтган ариқ бўйида қовун, тарвуз, помидор, бодринг ва яна турли хил полиз экинлари ғарқ пишиб ётибди. Йўл ёқасида эса қатор қилиб экилган шафтоли дарахтларининг шохлари ҳосил залворидан ерга эгилиб қолган. Майдон оралаб ўтган ариқ уватларида ҳам турфа хил мевали дарахтлар шовуллаб турибди. Номига бўлсин, кафтдеккина бўш ётган жойга кўзингиз тушмайди.

— Тўқсон тўртинчи йили хўжаликни ташкил қилгач, мана шу дарахт кўчатларини ҳам ўтқазган эдим, — дея содда бир ғурур билан изоҳ беради Қаҳҳор ака бизнинг ушбу манзарага ҳавас билан тикилиб турганимизни кўриб. — Ҳозир 300 туп ток, 350 туп мевали дарахтларимиз бор. Уларнинг ҳосили ўзимиз тугул, хўжалигимизда ишлайдиган 11 кишининг ҳам рўзғорини тўкин қилаяпти. Ортганини бозорга чиқариб сотиб, яхшигина даромад ҳам қилаяпмиз. Буниси энди осмондан тушган хазинадай бир гап-да.

«Шоқир» деҳқон-фермер хўжалигининг тасарруфида 13 гектар ер бор. Бултур эрта кузда 2,5 гектар майдонга буғдой уруғи сепишганди. Қаҳҳор ака ўшанда хўжалик ишчиларига қарата шундай деди: «Агар ҳаммамиз астойдил меҳнат қилсак, мана шу кафтдеккина майдондан ҳам дунёнинг ғалласини оламиз. Режадан ортгани ўзимизга фойда. Қоп-у қанорларингизни ҳалитдан тайёрлаб қўяверинглар. Сизларга ҳам улушингизни бераман». Уларга айни шу гап керак эди. Демак, режадагидан қанча кўпроқ ҳосил етиштирилса, ўзларига фойда. Шунинг учун ҳамма бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилди. Вақти келиб, далага ўроқ тушгач, фермер хўжалиги аъзоларининг ўзлари ҳам хайрон қолишди. Чунки ғалла ҳосилдорлиги гектарига 66 центнердан тўғри келиб, ўша «кафтдеккина» майдондан нақ 16,5 тонна дон йиғиштириб олинган эди. Бу борадаги режа эса оз эмас-кўп эмас, 171 фоиз этиб уддаланди. Қаҳҳор ака ваъдасида туриб, шартнома режасидан ортган ғалланинг бир қисмини ишчиларга бепул тақсимлаб берди. Ҳозир ана шу майдонга мош, тариқ, макка экилган. Бу экинлар ҳам гуркираб ўсаяпти.

— Ерни «она замин» дея таърифлашади, — дейди Қаҳҳор ака. — Тўғри гап. Бу тупроқ бизнинг онамиз бўлганда ҳам, жуда меҳрибон, бағрикенг онамиз. Уни алдамасанг, кўнгилдан чиқариб меҳнат қилсанг, ўзинг кутганингдан ҳам кўпроқ ризқ-насиба бериши мумкин. Тўғрисини айтганда, гектаридан 66 центнер ғалла олдим, деб кўкрак кериш ноқулай. Негаки, уруғ зўр бўлса, кўпроқ меҳнат қилинса, ҳосил салмоғини янада ошириш мумкин. Фақат бизда собиқ тузум даврида пахтага зўр берилгани боис, деҳқонларимиз ғаллачиликнинг сир-асрорларини бироз унутиб қўйишган эди. Энди истиқлол шарофати билан ана шу соҳадаги анъана ва тажрибалар ҳам қайта тикланаяпти.

Дарвоқе, пахта... Кейинги пайтларда бот-бот тилга олинаётган «пахта яккаҳокимлиги» ибораси замирида собиқ иттифоқнинг республикамизда аграр иқтисодиёт соҳасида юритган кўр-кўрона сиёсатининг нохуш оқибатлари мужассамлашган. Аммо бу бебаҳо экин ҳамиша ўзбекнинг фахр-ифтихори, миллий бойлиги рамзи бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Даласига пахта эккан деҳқон ҳеч қачон кам бўлмайди. Буни бухоролик фермер Қаҳҳор Улуғов ҳам жуда яхши билади. Шу боис у 13 гектарлик даласининг 10 гектарига чигит қадаган.

Яширишнинг нима ҳожати бор, ушбу минтақада ернинг шўрланиш даражаси анча юқори бўлиб, тупроқ таркиби ҳам хийла мураккаблашган. Бундай шароитда тузукроқ ҳосил олиш деҳқондан машаққатли меҳнат, чидам ва сабот талаб қилади. Керак бўлса, уларнинг далада кунига йигирма тўрт соатлаб ишлашларига тўғри келади. Бухорода «оқ олтин» хирмони яратиш — осон иш эмас.

Бироқ, ҳар қанча қийинчиликларга қарамасдан, «Шоқир» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари ҳар йили юқори ҳосил олиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келишмоқда. Мисол учун, ўтган йили улар гектаридан 52 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиб, бутун вилоятда пешқадамлардан бўлган эди. Ана шу хизматлари учун Қаҳҳор Улуғов ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Ўтган йили умумий даромадимиз 1 миллион 250 минг сўмни ташкил қилди, — дейди Қаҳҳор ака. — Соф фойда эса салкам 350 минг сўм бўлди. Ишчиларимизга ойлик маошларини ҳам вақтида бериб бордик. Терим мавсумида эса қўлларига яна анча-мунча қўшимча пул тегди. Шунингдек, йил охирида ҳар бирига рўзғорига қараб 40-50 килограммдан ёғ тарқатилди... Бу йилги мавсумда ҳам уларга ҳар ойда ўртача 3-4,5 минг сўмдан маош бериб турибмиз.

— Жорий йилда, ўзингизча қанча даромад олишни мўлжаллаяпсиз? — дея сўрадим Қаҳҳор акадан.

— Пахта майдонининг ҳар гектарига 800 килограммдан маъданли ва 60 тоннадан маҳаллий ўғит бердик, — дея жавоб қилди суҳбатдошимиз. — Вақтида суғориб, вақтида ишлов бераяпмиз. Кўз тегмасин, ғўзанинг ривожи бултургидан анча юқори. Шунга, гарчи бу йилги режамиз гектарига 40 центнердан бўлса-да, лекин ўтган йилги «эллик икки»лик маррадан ошамиз, деб мўлжаллаб турибман. Ўзимнинг хомчўтларим бўйича пахтанинг ўзидан кам деганда икки миллион сўм даромад қиламиз.

— Пул топишни билган одам уни ишлатишни ҳам билиши керак, деган гап бор. Хўш, сиз ана шу маблағни нималарга сарфламоқчисиз?

— Ҳозирча ўзимизнинг Т-28 русумли шахсий тракторимиз бор. Шунинг ёнига яна битта МТЗ трактори ва бошқа техникалар олиш мўлжалимиз бор. Хўжалигимизда мевали экинлардан ташқари, бу йилдан бошлаб яна 13 қути асалари, 100 дона товуқ боқа бошладик. Шийпон олдидаги ҳовузда эса балиқ кўпайтиришни йўлга қўйдик. Каттагина молхона қурганмиз. Шунга беш-ўнта қорамол ҳам сотиб олишни режалаб турибман.

Қаҳҳор ака бизни шийпоннинг иккинчи қаватидаги кенгмўл хонага бошлади. Стол устида ёзилган катта дастурхон сархил мева-чева, турли ноз-неъматлар билан тўла эди.

— Бу нарсаларнинг қай бирини ўзингиз етиштиргансиз-у, қай бирини бозордан сотиб олгансиз? — дея сўрадим у кишидан.

Қовун каржлаётган Қаҳҳор ака бир муддат дастурхонга разм солди. Қорамағиз чеҳрасига табассум югурди.

— Бозордаги неъматларни ҳам кимлардир мана шундай тупроқда етиштиради-да. Шундай бўлгач, овора бўлиб сотиб олгандан кўра, ўзимиз етиштириб қўя қолганимиз маъқул эмасми? Туздан бошқа ҳаммаси ўзимизнинг даладан чиққан. Бемалол олаверинг, меҳмон.

Қаҳҳор ака ҳозиргина тандирдан чиққан иссиқ буғдой нонни олдимизга ушатиб қўйди. Хонани ноннинг ёқимли ҳиди тутиб кетди.

— Бу ҳам ўзимизнинг шу йилги буғдойдан тайёрланган, — дея изоҳ берди у киши. — Буларнинг ҳаммаси — истиқлол неъматлари. Илгариги замонларда ўзбек бечора минг бор жонни жабборга бериб, меҳнат қилгани билан бири икки бўлмас, косаси оқармас эди. Қариган чоғимда пешонам ярқираб, ҳалол меҳнатим ортидан рўзғорим обод бўлди. Шундай кунларга етказгани учун худога шукур қиламан.

Танти ўзбек деҳқонининг дастурхонидан неъмат татимоқнинг ҳам ўзгача гашти бор. Қаҳҳор аканинг дастурхонини безаб турган сархил, болдай ширин мевалардан татирканмиз, саховатли заминимиз борлигидан, Истиқлолимиз шарофатидан юртимизда маъмурчилик пайдо бўлаётганидан кўнгилларимизга ажиб бир илиқлик югурди.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР

Фарғонада тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоятда қимматли қоғозлар — акцияларни сотиш, чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза юритилди.

Илғор тадбиркорлар ўзларининг бу борадаги амалий иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## УСТОЗНИНГ... ҚУВОНЧЛИ КУНИ

*Эҳтиром*

Университетни тугатгач, тақдир тақозоси билан пойтахтда ишлаб қолишимга тўғри келди. Мана, орадан неча йиллар ўтаяпти ҳамки, туғилиб ўсган қишлоғимнинг тупроқ кўчалари, беғубор болалик дамлари, ўн йил бирга ўқиган синфдошларим, устозларим, ота-онам, ака-укаю сингилларимдан... анча олисдаман. Афсус, кўнгил қўмсаган пайтда улар билан дийдорлашишнинг, ширин-ширин суҳбат қуришнинг иложи йўқ.

Эндиликда ўша унутилмас, қайтарилмас кунларни эслаб, хаёлга толаман, мактабда сабоқ берган муаллимларим эса кино лентасидай кўз олдимдан ўта бошлайди. Айниқса, синф раҳбаримиз Абдулла ака, тарих ўқитувчимиз Шарифа опанинг ўгитлари, панд-насиҳатлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Ҳали-ҳали эсимда, ўшанда ё олтинчи, ё еттинчи синфда ўқир эдик. Мен биринчи партада ўтирардим. «Атеизм»дан дарс ўтаётган Шарифа опа Эгамберганова «Ҳеч қандай худо йўқ, бисмиллоҳ деган сўзни умуман эсдан чиқаринглар» дер эди-ю, секин пичирлаб қўярди: «Эй худо, ўзинг кечиргил». Бу ҳол деярли ҳар дарсда такрорланар эди...

Бир куни устозимнинг ёлғиз ўтирганидан фойдаланиб, нимага бундай қилишини сўрадим.

— Биласанми, — деди у киши қўлимдан тутиб, — юқоридан шундай дейишимни талаб қилишади, айтганини қилмасам, ишдан ҳайдашади. Лекин ўзим эътиқодлиман. Яратганга шак келтиришдан қўрқаман. Аммо сен парво қилма. Ҳали бу кунлар ўтиб, эркин ҳаёт албатта, келади.

Битирув кечаси. Севимли ўқитувчимиз Шарифа опа сўз олдилар.

— Бугун, — деди устозим кўзидан сизиб чиқаётган ёшларини яшира олмай, — менинг ҳаётимдаги энг қувончли кун, десам ишонаверинглар. Тўғри, бундан олдин ҳам кўп шогирдларим мактабни тугатиб, жажжи қалдирғочлар янглиғ мустақил ҳаётга парвоз қилишган. Бироқ бугунги битирувчилар улардан тубдан фарқ қилади. Булар менинг ҳақиқий илк шогирдларим, булар Мустақилликнинг илк қалдирғочлари...

Устоз бошқа гапира олмади. Шунда бирдан юқорида қайд этилган суҳбат ёдимга тушди. Ҳа, Шарифа опанинг армони ушалган эди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**журналист.**



## ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

*Фарғона вилоятининг Фурқат туманида кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни биргина «Рўзимат ота» хусусий фирмаси мисолида яққол кўриш мумкин. Расулжон Мелибоев раҳбарлик қилаётган ушбу жамоада кунига 2 тонна қандолат маҳсулотлари — оқ қанд, пашмак, печенье ва бошқа ширинликлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларнинг барчаси эл дастурхонига мўлжаллангани учун харидорлар уларни бажонидил харид қилмоқдалар.*

*Яқинда фирма аҳли яна бир янги цехни ишга туширди. Бу ерда бўз, дока ва сочиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

**СУРАТДА:** фирма ишчиси Салимахон Мелибоева.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга
танлов эълон қилади.

ДОЦЕНТЛАР
1. Физика -2
2. Иқтисодиёт назарияси-1.
3. Ўзбек тили-1.
4. Информатика-1.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:
1. Жисмоний тарбия-2
2. Иқтисодиёт назарияси-1.
3. Рус тили-3.
4. Чет тили-3.
5. Физика -2.

ЎҚИТУВЧИЛАР
1. Чет тили-2.

АССИСТЕНТЛАР:
1. Олий математика-1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади.

Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари ва олий ўқув юртларида педагогик иш стажларига эга шахслар қатнашишлари мумкин.

Институт манзили:
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 108.

Телефон
35-11-50.

®/2028

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

қошидаги «Молиячи бизнес мактаби»
1999-2000 ўқув йили учун танлов асосида

- «СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» ҲАМДА
- «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»

мутахассислиги бўйича 11-синфни битирган ёшларни кундузги ва сиртқи бўлимларга бир йиллик ўқишга таклиф этади.

Ўқиш ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган ҳолда ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этилган бўлиб, институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Ўқув йилининг охирида Давлат якуний аттестацияси имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганларга ихтисосликлари бўйича «Диплом» берилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:



1. Директор номига ариза
2. 11-синфни битирганлиги ҳақида шаҳодатнома
3. 3х4 ҳажмдаги 6-дона расм
4. Яшаш жойидан маълумотнома
5. 086\У русумли тиббий маълумотнома
6. Паспорт (қайтариб берилади).

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 16 гача қабул қилинади.
Қабул 1999 йил
10 сентябргача давом этади.

Манзил:
Тошкент-700095 С.Раҳимов тумани А.Ҳидоятов (Саидов) 3-тор кўчаси, 6-уй, 4-қават (Республика кўз касалликлари шифохонаси қаршисида)

Транспортлар: авт.10, 14, 88; Тролл.: 2, 27. «Нукус» кинотеатри бекати. Авт: 65, 82, 85, 100, «Республика кўз касалликлари» шифохонаси бекати. Телефон: 46-58-32.

2020

*Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига*

**Шўролар ҳукмронлиги йилларида миллий қаҳрамонлар ҳақида тарғибот ва илмий-маърифий ишларини олиб бориш рағбатлантирилмас эди. Шу боисдан ҳам Алпомиш, Рустам янглиғ эпос қаҳрамонлари, Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик сингари миллий баҳодирлар тўғрисида кўп ёзилмасди.**

**Ўз даврининг зукко олимлари, замондошлари, масалан, Темур Малик ҳақида нималарни ёзиб қолдирганлар? У чиндан ҳам мўғуллар томонидан қатл этилганми ёки дарвеш қиёфасида элма-эл юриб, жон сақлаганми? Бу ҳақда кенгроқ тўхталиб ўтиш ҳам қарз, ҳам фарздир.**

# ҚАҲРАМОННИНГ БУЮК САФДОШИ

Тарихий манбаларда Темур Малик узун бўйли, қотмадан келган, хушчақчақ ва одамшиванда инсон сифатида тавсифланади. 1215-1220 йилларда у 30-35 ёшларда бўлган. Ровийларнинг ёзишича, Султон Алоуддиннинг барча ҳарбий юришларида йирик қўшиннинг қўмондони сифатида қатнашган. Темур Малик моҳир саркарда сифатида ўзини кўрсатгандан сўнг, Хоразмшоҳ уни ўзига содиқ киши сифатида қўшин бошлиғи этиб тайинлайди. Лекин Темур Маликнинг тўғри сўзлиги ва ўзбилармонлигини ёқтирмас эди. У аксарият ҳолларда бегуноҳ жазоланаётганларнинг ёнини олган. Маълумки, 1212 йили Самарқандда қўзғолон кўтарилган. Бу ҳақда чопар Хоразмшоҳга нохуш хабарнома келтиради.

Бундан ғазабланган Хоразмшоҳ чопарни ўлимга ҳукм этади. Ушбу воқеанинг гувоҳи бўлиб турган Темур Малик шоҳга юзланиб дейди: «Олампаноҳ, Самарқандда бир гуруҳ ёвбошлар исён кўтарган бўлсалар, чопарда не айб? Ахир улар чўлу биёбонлар оша жадал юриб, Сизни ушбу хавфдан огоҳ этсалар, жазога эмас, мукофотга лойиқдурлар!» Мантиқан тўғри ва адолатли ушбу луқмадан ҳушёр тортган шоҳ ўлим жазосини мукофотга алмаштиришга мажбур бўлган.

Манбаларда кўрсатилишича, ўша куни Хоразмшоҳ қайсар онаси Туркон хотуннинг тазйиқи остида катта ўғли Жалолиддинни тахт вориси этиб тайинлаш ҳақидаги фармонни бекор қилиб, ўрнига қипчоқ амакисидан бўлган Ўзлоқшоҳни валиаҳд деб эълон қилган экан. Бунинг устига, Жалолиддин Бомиён вилоятининг Ғазна шаҳрига ҳоким этиб тайинланган эди. «Хўш, сарой аҳли орасида юз берган бундай нохуш ҳолат пайтида унинг дўсти Темур Малик ўзини қандай тутган?» деган савол туғилиши мумкин.

Темур Малик саройдаги бошқа казо-казоларга ўхшаб ўзини ундан олиб қочмаган, балки дўстини мустақил вазифа билан табриклаган ва ўз тажрибаларини Жалолиддин билан баҳам кўрган.

Халқимизда «Дўст бошга иш тушганда билинади», деган ҳикматли нақл бор. Темур Малик билан Жалолиддиннинг дўстлиги 1220-31 йиллар давомида оғир синовларда тобланди.

Манбаларда қайд этилишича, Хоразмшоҳ катта машварат ўтказиб, мўғуллар ҳужумини даъф этиш бўйича қалъа ҳокимлари ва лашкарбошиларнинг фикр-мулоҳазаларини сўраган. Шунда Темур Малик бундай деган: «Бахту омад мудофаада ўтирганга эмас, балки ҳужум қилганларга кулиб боқади, шоҳим. Кимки фақат ўзини ҳимоя қилса, у мағлубият шамолига юз тутгай. Душманга юзма-юз келишдан қўрққан киши тоғлар ортига қочади».

Хўжанд ҳокимининг бундай аччиқ гаплари шоҳни дарғазаб қилди. «Агар ёғийлар билан жанг қилишни истасанг, Хўжандга бор. Сен менга бу ерда керак эмассан», деб қичқиради.

Тажрибали ва ўта салоҳиятли ҳарбийнинг шундай масъулиятли дамларда кичик ҳарбий қисм жойлашган Хўжандга юборилиши Темур Малик учун жазо, шоҳ учун эса катта хато бўлди. Темур Малик итоаткорона йўл тутиб, шу заҳотиёқ Хўжандга жўнайди. Ҳар бир ишда моҳир, жасурлиги билан донг таратган Темур Малик саноқли кунларда, мўғуллар Хўжандга етиб келгунча шаҳар истеҳкомини мустаҳкамлаш, қалъа деворларини баланд кўтаришга улгурди. У узоқни кўзлаган ҳолда, Сайхундарё ўртасида унинг икки ирмоққа ажраладиган ерида қалъа тиклади ва у ерда озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ғамлади. Оз сонли лашкари билан Чингизхоннинг ўғиллари Чиғатой ва Угадайлар бошлиқ 70 минг кишилик мўғул қўшинига сезиларли зарбалар берди. Кичкина қалъанинг кўп сонли мўғул босқинчиларига қарши тура олмаслигини англаган Темур Малик аввалдан тайёрлаб қўйилган жойга — оролдаги истеҳкомга яширинди ва мудофаага ўтди. Орол қирғоқдан анча узоқ бўлиб, мўғуллар уларни ўқ-ёй билан ҳам, ўт очувчи манжанақ-замбараклари билан ҳам маҳв эта олмадилар. Мўғуллар асирларни ишга солиб, тўғон қуриб, оролни сувга ғарқ қилишга уриндилар. Лекин Темур Малик навкарлари тунда қайиқларда келиб, кундузи қурилган иншоотни бузиб ташлайверадилар.

Араб тарихчиси Жувайний ёзадики, Темур Малик қайиқларнинг устини нам кигиз билан ёпиб, кигиз устига лой суртиб, унинг устидан сирка (уксус) сепишни буюрган.

Натижада мўғулларнинг ўқлари ва ёндирувчи снарядлари қайиқда ўтирганларга зарар етказа олмади. Озиқ-овқат ва қурол-яроғ заҳиралари тугагач, Темур Малик 70 кемани жиҳозлаб, машъалалар ёруғида, душман ўқлари ёмғири остида дарёнинг қуйи оқими бўйлаб чекина бошлади. Мўғуллар ҳар икки қирғоқ бўйлаб уларни таъқиб этдилар. Темур Малик мўғуллар кўринган ерларга қайиқлар юбориб, камонлардан ўқ ёғдириб, кемалар ҳаракатини таъминлаб турди.

Тарихий ривоятларнинг бирида ҳикоя қилинишича, мўғул аскарлари кема карвонлари йўлини тўсиш учун қора мойга шимдирилган йўғон арқонларни занжирларга боғлаб, оловли ҳалқа ҳосил қилганлар ва дарёда сузиб келаётган хоразмликларни асир олмоқчи бўлганлар. Шунда Темур Малик ўз қайиғи билан бориб, ёниб турган ўтли занжирларни парчалаб ташлаган ва кема карвонига йўл очган. Шу тариқа мўғулларнинг кўп сонли лашкарларини ёриб ўтиб, жуда кўп қурбонлар ҳисобига Урганчга етиб келган. Бу ерда уни қаҳрамон сифатида кутиб оладилар. У дарҳол ўз армиясини янги кучлар ҳисобига тўлдиради ва интизомни мустаҳкамлашга киришади. Донгдор хоразмлик лашкарбоши қўл остида Хоразмшоҳ лашкарлари душманга қарши курашда муваффақиятларга эриша бошладилар. Янгикент шаҳрини озод қилдилар. Мўғул лашкарбошиси ўлдирилди, душман қўшинлари саросимага тушиб чекиндилар. Темур Малик ҳужумни давом эттирмоқчи эди, лекин хоин қипчоқ беклари уни қўллаб-қувватламадилар. Улар, Темур Малик ўз мавқеини мустаҳкамлаб, ҳокимиятни биздан олиб қўяди, деб ҳайиқар эдилар.

Тарихчиларнинг берган маълумотларига кўра, Темур Малик Каспий денгизидаги оролга — Муҳаммад Хоразмшоҳ яшириниб ётган ерга боради. У ўзининг мўғулларга қарши кураш режасини баён қилмоқчи бўлади. Бахтга қарши, Муҳаммад Хоразмшоҳ очлик ва совуқдан вафот қилган эди. У шоҳнинг жасадини ўз салласига ўраб кўмади.

У дуоға қўл чўзиб, шундай деган: «Бутун умр шоҳ учун курашдим, қон тўкдим, у бизни ғалабага етаклайди, Хоразмни ҳимоя қилади, деб ўйлаган эдим, афсус, умидларим сароб бўлиб чиқди». Темур Малик оролни тарк этиб, отасининг вафотидан хабар бериш учун Жалолиддинни излаб, Урганчга келади.

Дўстлар учрашувдан жуда мамнун бўлдилар, лекин қипчоқ қабилаларининг бошлиқлари шоҳ онаси Туркон хотун билан бирга фитна уюштириб, Жалолиддин билан Темур Маликни ўлдирмоқчи бўлдилар. Яхшики, уларни ўз вақтида огоҳлантирадилар. Улар оз сонли лашкар билан мамлакат жанубига, мўғулларга қарши курашни давом эттириш учун жўнаб кетадилар. Баъзи тарихчилар уни 1221-1231 йиллар давомида Жалолиддин билан жанг қилган деса, айримлари Жалолиддин ҳалок бўлгандан кейин ўз юртига дарвеш қиёфасида қайтган, деб ёзадилар. Бошқа бир тарихчилар уни Хўжандда бир кўзи кўр мўғул таниб қолади ва шу ернинг ҳукмдори бўлган мўғул ҳокими уни ўз ҳузурига келтиришини буюради. Темур Малик ўзини мағрур тутади ва аввал мўғулларнинг қандай душмани бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолганлигини ва душман олдида ҳеч қачон тиз чўкмаслигини айтади. Ҳукмдор уни жазолашга буюради. Буюк халқ қаҳрамони шу йўсинда ҳалок бўлди. Бу ҳақда араб тарихчиси Ибн ал-Асир: «Бундай ҳалокатни шу кунга қадар тарих кўрмаган ва бундан кейин ҳам кўрмаса керак», деб ёзиб қолдирган. Ўзбек миллий қаҳрамони Жалолиддин таваллудининг 800 йиллиги нишонланадиган йилда унинг садоқатли дўстларидан бири Темур Маликни муносиб қадрлаймиз, унинг муборак номини алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

**Комил НУРЖОНОВ.**



Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг гўзал Зомин тоғлари билан ўралган «Ўриклисой» оромгоҳида республика ёш ижодкорларининг анъанавий III семинар-танлови бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган истеъдодли ёшлар ҳурликни, мустақилликни madҳ этувчи асарлари билан қатнашдилар. Иброҳим Маҳкам, Бахтиёр Алломурод, Шамсия Худойназарова, Шарофат Холмуродова, Ботир Омон каби ёш ижодкорларнинг асарлари семинарда юқори баҳо олди. Анжуман баҳона бир-бирларининг янги шеър, ҳикоялари билан танишган ёш ижодкорлар Зоминдан бир дунё таассуротлар билан қайтдилар.



**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ёшлар даврасида; ёш ижодкорлар (чапдан) Феруза Орипова, Раҳима Довирова, Шамсия Худойназарова.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## ҲАЛИМ АМЕРИКАДА ЎҚИЙДИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Сайёт қишлоғида деҳқон оиласида вояга етган Ҳалим Файзиев янги ўқув йилини АҚШда давом эттиради. Тумандаги 164-лицейнинг собиқ ўқувчиси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармаси томонидан ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтиб, Президент стипендианти бўлган эди. Энди эса у АҚШнинг Флорида штати Долин шаҳридаги Стетсон университетида ўқийди. Ҳалим жаҳонга машҳур бу илм даргоҳида бизнес-администратор — молия бошқарувчиси мутахассислигини мукаммал эгаллаш ниятида.

*Қўш хабар*

## ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Бухоро вилояти Вобкент туманида тарғибот-ташвиқот гуруҳи иш бошлади. Туман маданият, ички ишлар бўлимлари, “Нуроний”, “Камолот” жамғармалари, тиббиёт ходимларидан иборат бу гуруҳ аъзолари қишлоқларда бўлиб, ёшлар билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар, ҳар томонлама етук ёшларни камол топтириш борасида кенг кўламда олиб борилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқда.

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**

## *АСКАРЛАР ҚЎШИҚ АЙТГАНДА*

Термизда Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини қўриқлаётган чегарачиларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик байрамига бағишланган қўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

“Чегара юлдузлари” деб номланган ушбу қўшиқ байрамида чегарачилар Ватан ҳақида, унинг ҳар бир қарич ери осмони муқаддас эканини, мардлик, жасурлик, севги-вафони мадҳ этувчи қўшиқларни куйладилар. Аскарлардан Д.Йўлдошев, У.Муҳаммадиев, А.Қаюмов, А.Абдулаҳатов ва бошқалар ижросидаги қўшиқлар юқори баҳоланди.

Кўрик-танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.**


ХОРИЖИЙ ШАРҚ ВА ҒАРБ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ НИЯТИНГИЗ БЎЛСА, БИЗЛАРДА ШУНДАЙ ИМКОНИЯТ МАВЖУД.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

*ҳузуридаги Минтақа тил таълими маркази АРАБ, ФОРС, ЯПОН, ТУРК, ҲИНД, УРДУ, ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ, ЎЗБЕК тиллари бўйича касб берувчи икки йиллик таржимонлик курслари, бир йиллик курслар, шунингдек, ЛОТИН ёзувига асосланган ўзбек алифбоси бўйича курсларни*

**ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.**

- Ўқиш муддати танланган тил хусусиятларига боғлиқ ҳолда 3, 6, 10, 20 ой.
- Ўқиш учун ҳақ тўлаш нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- Курс якунида тегишли гувоҳнома берилади.
- Ҳужжатлар 1999 йил 10 сентябргача қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Лохутий кўчаси, ТДШИ, 8-қават, 802-хона, тел. 136-30-69.

®/2023

**KINGSLAND INVEST GROUP LTD., BVI**

*Европада ишлаб чиқарилган оппоқ, шаффоф*

**ШАКАРНИ**




*жаҳон бозори нархида консигнация асосида конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлган компанияларга таклиф этади.*

Мурожаат учун телефонлар: 54-84-18, 54-84-19. Факс: 54-83-68.

2012

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ




**"ЗАМОНАВИЙ МУЛКДОР"**

*қимматли қоғозлар бозорида банк маҳсулотининг янги турини*

**ТАҚДИМ ЭТАДИ.**

Энди қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни расмийлаштириш учун Тошкентга, биржага келиш шарт эмас. Барча ҳужжатларни яшаш жойидаги Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг филиали ёки бўлимида расмийлаштириб, битимларнинг сифатли ижро этилажагидан хотиржам бўлишингиз мумкин.

*Янги хизмат тури қуйидаги имкониятларни беради:*

- Қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир операцияларда эркин қатнашиш;
- қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга доир маслаҳатлар олиш;
- хоҳ биржа бозорида, хоҳ биржадан ташқари бозорда сотилаётган қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.

*МИЛЛИЙ БАНК ҚУЙИДАГИЛАРНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:*

- *Қимматли қоғозларга доир битимларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;*
- *қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг хавфсизлиги ва ўз вақтида бажарилиши.*

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Қимматли қоғозлар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефон: 137-59-42.

1988


## ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК – БОЛАЛАРГА

Навоий вилояти Конимех туманидаги “Маданият” ширкат хўжалиги туячилик ва йилқичиликка ихтисослашган ягона хўжаликдир. Бу ерда 1,5 минг бош туя, қарийб минг бош йилқи боқилмоқда. Мавсумда ҳар юз бош туядан 45 тадан бўта олишга эришилди. Хўжаликда туя сутидан шифобахш ичимлик — шубат тайёрлаш йўлга қўйилди. Маҳсулот асосан болалар боғчалари ва касалхоналарга етказиб берилмоқда.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси жамоаси «Экология, меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги» бўлими етакчи мутахассиси Баҳодир Ғойибназаровга падари бузруквори **СОЙИБЖОН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», компанияси раҳбарияти ва жамоаси Самарқанд вилояти «Зарафшон — Колифорния» қўшма корхонаси раҳбари Ўлмас Жабборовга волидаи муҳтарамаси **Салнон ОМУНУЛЛАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0640, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. СУЛАЙМОНОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. ЭШҚУЛОВ.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.30*
1 2 3 4 5 6